

## 1 – масала

**“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124 сонли қарори ва Олий таълим вазирлигининг 2014 йил 10 февралдаги 44-сонли буйруғининг институтдаги ижроси ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2013 йил 22 феврал 6/1 сонли қарори**

Илмий кенгаш “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124 сонли қарори ва Олий таълим вазирлигининг 2014 йил 10 февралдаги 44-сонли буйруғининг институтдаги ижроси ҳақида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоевнинг** ахборотини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохатларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги П- 2124 сонли “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида институтимизда ҳам бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида фикр билдирадиган бўлсак, мазкур буйруқ даставвал 1991 йил 20 ноябрда қонун қабул қилинган эди. Ушбу дастурни яънада жадаллаштириш ва такомиллаштириш мақсадида Президентининг 2014 йил 6 февралдаги П 2124 сонли буйруқга имзо чекдилар. Мазкур буйруқ асосида О ваЎМТВ 2014 йил 10-февралдаги 44 сонли буйруғи ижро учун қабул қилинди. Мазкур буйруқ 6-боб, 67 қисмдан иборатдир. Вазирликнинг буйруғи асосида институтнинг “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги дастури ишлаб чиқилди. Институт дастури 6-боб,33-қисмдан иборат бўлиб, дастурни амалга ошириш учун ишчи таркиб тузилган. Ишчи таркибга йўналишлар бўйича барча проректорлар масъул ҳисобланадилар, 33 та банднинг ижрочилари ҳам кўрсатилган. Дастурда Ўзбекистон Республикаси сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохатларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўлақонли тушунтириш, ёш авлодни ушбу жараёнларга кенг жалб этишга қаратилган **“Ватан келажаги сенинг кўлингда!”** тарғибот лойиҳасида институт профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларни жалб қилиш ва лойиҳани ўтказиш; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишлаб **“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати”** тарғибот лойиҳасида институт профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларни жалб қилиш ва лойиҳани амалга ошириш; институт талабаларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида **“Тафаккур синовлари”** республика танловининг институт босқичини ўтказиш ва худудий босқичда иштирок этиш; Институтнинг барча факультет талабалари учун фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларнинг таниқли вакиллари кенг жалб қилган ҳолда **“Биз буюк юрт фарзандларимиз!”** шиори остида ёшлар фестивалини ўтказиш ҳамда вилоятда ўтказиладиган фестивалда институт фаол талабалари иштирокини таъминлаш; ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, тарих, маданият ва маънавий соҳаларидаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида **“Музейлар – бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси”** мавзусида музей ойлигини ташкил этиш; ёшларбандлигини таъминлаш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига жалб

қилиш мақсадида “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятини янада кенгайтириш; институтдаги ёш тадбиркорларни излаб топиш ва рағбатлантиришга йўналтирилган “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” лойиҳаси учун уларни тавсия этиш бандларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Дастурда белгиланган масалаларни барча проректорлар, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва бўлим бошлиқлари ўзлари шахсан масъул эканлигини белгилаб олишлари зарур деб ўйлайман.

Дастур ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот ҳар ойнинг 15 санасидан бошлаб АТМ га масъул проректорлар томонидан тақдим этилади.

**Илмий кенгаш котиби**



**Кўчирма ҳақиқий**

**Р.Т.Эшмаматов**

## 2 – масала

### **“Институтнинг катта илмий ходим-изланувчилари ва мустақил изланувчиларининг илмий консультант билан биргаликда ишлаб чиқилган диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаси муҳокамаси ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 22 феврал 5/1 сонли қарори**

Илмий кенгаш “Институтнинг катта илмий ходим-изланувчилари ва мустақил изланувчиларининг илмий консультант билан биргаликда ишлаб чиқилган диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаси муҳокамаси ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаковнинг** маърузасини тинглаб, муҳокама этиб, қуйидагиларни таъкидлайди.

Катта илмий ходим-изланувчилар институти орқали илмий ва илмий-педагогик мутахассисларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини **2012 йил 28 декабр 365-сон қарори** билан тасдиқланган **“Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”**ги Низом талаблари асосида амалга оширилмоқда.

Институтда илмий салоҳият **43 %** ни, илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ёши **58** ни ташкил этади.

Институтда катта илмий ходим-изланувчиларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларни чоп этиш учун ҳар йили 4 марта нашр этиладиган **"Архитектура ва қурилиш муоммолари"** журнали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг буйруғига биноан 2014 йил учун Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг катта илмий ходим-изланувчилар институтига **8 йўналиш** буйича **13 та** ўринга қабул квоталари белгиланди.

Катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул ҳақида институтда, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Урганч давлат университети, Жиззах политехника институти ва республиканинг бошқа бир қатор олий таълим муассасаларига хабар ва оммавий ахборот воситаларида эълон берилди.

2013 йил учун катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул қилиш имтиҳонлари 2013 йил декабр ойида ўтказилиб, ушбу ихтисосликликларга **3 киши** жорий йилда катта илмий ходим-изланувчилар институтига танлов асосида қабул қилинди.

2014 йилда мавжуд йўналишлар буйича докторлик диссертациялари устида мустақил изланувчилик асосида илмий изланишлар олиб бораётган **4 нафар** тадқиқотчи мустақил изланувчиликка қабул қилинди.

Институтда бажарилаётган докторлик диссертацияларини кўриб чиқиш учун илмий семинари ташкил этилган. У ҳар **6 ойда бир марта** ўтказилиб турилади. Семинарларда кафедрада тайёрланаётган мустақил изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчиларнинг илмий ишлари мониторинги олиб борилади ва эришилган илмий натижаларининг муҳокамаси, шунингдек бошқа илмий жамоаларда эришилган илмий ишлар ҳам кўриб чиқилади.

Юқоридаги билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. “Институтнинг катта илмий ходим-изланувчилари ва мустақил изланувчиларининг илмий консультант билан биргаликда ишлаб чиқилган диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаси муҳокамаси ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаковнинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларининг илмий консультант билан биргаликда ишлаб чиқилган диссертация ишини тайёрлашнинг якка тартибдаги режалари тасдиқлансин.
3. Куйидаги мустақил изланувчиларнинг докторлик диссертация мавзулари тасдиқлансин:
  - a. “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси мустақил изланувчиси **Эркин Хужаёрович Исаков**.  
Докторлик диссертация мавзуси *“Инфографическое моделирование и мониторинг памятников архитектуры с применением геодезических технологий”*;
  - b. “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси мустақил изланувчиси **Камол Джалолович Рахимов**.  
Докторлик диссертация мавзуси *“Ландшафтное зодчество Центральной Азии и его взаимодействие с региональными школами”*;
  - c. “Қишлоқ архитектураси” кафедраси мустақил изланувчиси **Саид Бахронович Маноев**.  
Докторлик диссертация мавзуси *“Ўзбекистон замонавий меъморчилигида ансамбл ва комплекслар шаклланишининг назарий асослари”*;
  - d. “Қурилиш конструкциялари” кафедраси мустақил изланувчиси **Улғубек Солижонович Ахмадияров**.  
Докторлик диссертация мавзуси *“Совершенствование конструктивных решений и методов расчета висячих покрытий кольцевого очертания”*.
4. Илмий консультантлар томонидан мутахассислик бўйича тайёрланган назарий-методологик курснинг ўқув режаси тасдиқлансин ва ушбу назарий-методологик дастур катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар томонидан ўзлаштирилсин. **Масъуллар:** Илмий консультантлар, катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар. **Муддати:** 2015 йилнинг январ ойигача.
5. Докторлик диссертацияси билан шуғулланишни режалаштирган талабгорлар учун “Илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари”га тайёрлаш бўйича семинар-тренинглар ташкил этилсин. **Масъуллар:** Илмий ва илмий педагогик кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи У.Хушвақтов. **Муддати:** Ҳар чоракда.
6. Худудий ва Республика миқёсида бўладиган “Инновацион ғоялар ва илмий ишланмалар” ярмаркаларида кафедраларнинг иштироки таъминлансин. **Масъуллар:** Илмий ва илмий педагогик кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи У.Хушвақтов ва кафедра мудирлари.
7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков** зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

### 3 – масала

#### **“Малака ошириш факультетида 2013 йилда бажарилган ўқув ва ўқув-услубий ишларнинг ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2014 йил 22 феврал 5/2-сонли қарори**

Илмий кенгаш “Малака ошириш факультетида 2013 йилда бажарилган ўқув ва ўқув-услубий ишларнинг ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан малака ошириш факультети декани Э.М.Маматовнинг ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1761-сонли буйруғи асосида институт қошидаги Малака ошириш факультетида **“Бино ва иншоотлар қурилиши”** ва **“Амалий санъат”** таълим йўналишлари бўйича Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг Ўрта махсус касб-хунар коллежларининг махсус фан ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари малакасини ошириш амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда “Бино ва иншоотлар қурилиши” ва “Амалий санъат” таълим йўналишларига 19 та фан бўйича намунавий ҳамда ишчи ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилган.

Малака ошириш факультетида Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини оширишга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойиш ва буйруқлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқларини ижросини таъминлаш малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети томонидан ишлаб чиқилган, институт илмий услубий кенгашда муҳокама қилинган ҳамда тегишли чора – тадбирлар орқали амалга оширилмоқда.

Институт қошидаги Малака ошириш факультетида соатбай дарс берадиган профессор-ўқитувчилар **14 нафар**ни ташкил қилади.

Малака ошириш факультети тингловчиларини ўқув модулини ўзлаштириш даражасини 100 баллик рейтинг тизимда баҳоланиши йўлга қўйилган. Кириш-чиқиш тести учун тузилган тест саволлари малака ошириш курснинг ўқув режасида келтирилган барча модуллар асосида тузилган, ўқув дастурларининг мазмунига мос келади. Малака ошириш факультети тингловчилари томонидан ёзилган битирув малакавий ишлари институт буйруғи билан тасдиқланган ҳайъатда ҳимоя қилинади ва баҳоланади.

Институт қошидаги Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетининг тингловчилари малака ошириш жараёнида институтнинг компьютер хоналари ҳамда Малака ошириш факультетига ажратилган **1 дона** видеопроектор, электрон доска билан жиҳозланган **2 та** махсус дарсхонадан ва институтнинг талабалар турар жойидан фойдаланиб келмоқда.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### **Илмий кенгаш қарор қилади.**

1. **“Малака ошириш факультетида 2013 йилда бажарилган ўқув ва ўқув-услубий ишларнинг ҳолати ҳақида”**ги масала юзасидан малака ошириш факультети декани Э.М.Маматовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Малака ошириш факультетида ўқитиладиган барча фанлардан ўқув-услубий мажмуалар яратилсин. **Масъуллар:** Фан ўқитувчилари ва Малака ошириш факультети декани Э.М.Маматов. **Муддати:** 2014 йилнинг 1 апрелигача.

3. Ўқув режа бўйича барча модуллар мазмунига мос етарлича кириш ва чиқиш тестлари тайёрлансин. **Масъуллар:** Фан ўқитувчилари ва Малака ошириш факультети декани Э.М.Маматов. **Муддати:** 2014 йилнинг 1 апрелигача.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

## Хар хил масалалар.

Кун тартибидаги хар хил масалаларни бошлашдан аввал сўз ўқув бўлими бошлиғи Ш.Бўрибоевга берилди.

**“Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш режасини тасдиқлаш ҳақида”**

**Эшитилди:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 9 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 8/4-сонли Ҳайъат қарорининг институтдаги ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилнинг 8 феввалида институт ректорининг 46-у-сонли буйруғи чиқарилганлигини ва ушбу буйруқ иловасида келтирилган **“Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш режаси”**ни тасдиқлаш тўғрисида ўқув бўлими бошлиғи **Ш.А.Бўрибоев**нинг ахбороти тингланди.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 9 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 8/4-сонли Ҳайъат қарорининг институтдаги ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилнинг 8 феввалида институт ректорининг 46-у-сонли буйруғи билан ишлаб чиқилган **“Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш режаси”** тасдиқлансин.

Шундан сўнг кун тартибидаги хар хил масалалар бўйича сўз **Р.Т.Эшмаматов**га берилди.

I. Дарсликни чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.

**Эшитилди:**

“Геодезия, картография ва кадастр” йўналиши бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистратура талабалари учун **Д.Ярматова, А.Бобожонов** ва **А.Рахимов**лар ҳаммуаллифлигида яратилган **“Давлат кадастри асослари”** номли дарсликни чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“Геодезия, картография ва кадастр” йўналиши бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистратура талабалари учун **Д.Ярматова, А.Бобожонов** ва **А.Рахимов**лар ҳаммуаллифлигида яратилган **“Давлат кадастри асослари”** номли дарсликни чоп этишга тавсия берилсин.

II. Ўқув қўлланмани чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.

**Эшитилди:**

“Умумқурилиш ишлари” йўналиши бўйича таълим олаётган касб-хунар коллежлари талабалари учун **Х.Қўлдошев** ва **Б.Саидмуродов**лар ҳаммуаллифлигида

яратилган **“Бетон қориш ишлари технологияси”** номли ўқув қўлланмани чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“Умумқурилиш ишлари” йўналиши бўйича таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари талабалари учун **Х.Қўлдошев** ва **Б.Саидмуродовлар** ҳаммуаллифлигида яратилган **“Бетон қориш ишлари технологияси”** номли ўқув қўлланмани чоп этишга тавсия берилсин.

III. Монографияни чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.

**Эшитилди:**

“Қишлоқ архитектураси” кафедраси мустақил изланувчиси **Саид Маноев** томонидан яратилган **“Ўзбекистон замонавий меъморчилигида ансамбл ва комплекслар”** номли монографиясини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“Қишлоқ архитектураси” кафедраси мустақил изланувчиси **Саид Маноев** томонидан яратилган **“Ўзбекистон замонавий меъморчилигида ансамбл ва комплекслар”** номли монографиясини чоп этишга тавсия берилсин.

**Эшитилди:**

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси **Нодира Файзуллаева** томонидан яратилган **“Ўзбекистон тарихий шаҳарларида анъанавий турар-жойлар муҳитини қайта тиклаш концепцияси”** номли монографиясини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси **Нодира Файзуллаева** томонидан яратилган **“Ўзбекистон тарихий шаҳарларида анъанавий турар-жойлар муҳитини қайта тиклаш концепцияси”** номли монографиясини чоп этишга тавсия берилсин.

**Эшитилди:**

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси **Анварбек Айматов** томонидан яратилган **“Ўзбекистон тарихий шаҳар маҳаллалари тараққиётининг асосий тамойиллари (Самарқанд шаҳри мисолида)”** номли монографиясини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси **Анварбек Айматов** томонидан яратилган **“Ўзбекистон тарихий шаҳар маҳаллалари тараққиётининг асосий тамойиллари (Самарқанд шаҳри мисолида)”** номли монографиясини чоп этишга тавсия берилсин.

VI. Инновация ва интеграция маркази Низомини тасдиқлаш тўғрисида.

**Эшитилди:**

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти қошидаги “Илмий тадқиқот сектори” расман ёпилганлигини маълум қилган ҳолда, унинг ўрнига **“Инновация ва**



**интеграция маркази**”ни очиш мақсадида унинг **Низомини** тасдиқлаш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу Низом институтнинг режа-молия бўлими ва ҳуқуқшунос-маслаҳатчи билан келишилган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти қошида очилиши режалаштирилаётган **“Инновация ва интеграция маркази”**нинг **Низомини** тасдиқлансин.

V. Ўқув маркази номини ўзгартириш тўғрисида.

**Эшитилди:**

“Информатика ва ахборот технологиялари” кафедраси қошида ташкил этилган **“Иқтисод, тадбиркорлик ва молияда компьютер”** ўқув марказининг номини **“Компьютер саводхонлиги”** деб ўзгартириш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“Информатика ва ахборот технологиялари” кафедраси қошида ташкил этилган **“Иқтисод, тадбиркорлик ва молияда компьютер”** ўқув маркази номи **“Компьютер саводхонлиги”** деб ўзгартирилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов